

# **ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ**

ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ

**ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ, МАҢНАВИЙ - МАЪРИФИЙ,  
ФАЛСАФИЙ - ҲУҚУҚИЙ ЖУРНАЛ**

1  
—  
2022

**FALSAFA va NIQOQ**  
**ФИЛОСОФИЯ и ПРАВО**  
**PHILOSOPHY and LAW**

# ФАЛСАФА ва ҲУҚУҚ

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-хуқуқий журнал  
2022/1 (№21)

Асосий қомусимиз кафили сифатида Конституция ва қонунларимиз талабларини сўзсиз бажарниш, “Инсон қадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариши бундан бўён ҳам фаолиятимнинг бош мезони бўлиб қолади.

Албатта, инсон қадри биз учун қандайдир мавхум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашини назарда тутамиз.

Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносаб турмуши шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишини, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соглом экологик муҳит яратиб беришни тушунамиз.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев**

Журнализминг мазкур сонида Ўзбекистон миллий университети, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти” Миллий тадқиқот университети ва Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ҳамкорлигида “Янги Ўзбекистоннинг маънавий таракқиёт тамойилларини амалга ошириш жараёнининг долзарб масалалари” мавзууда 2022 йил 10 июнда ташкил этилган илмий-амалий анжуман материаллари ҳам чоп этилмоқда.

## Тахрир ҳайъати:

**М.Н.Абдуллаева -**  
ф.ф.д., профессор  
**Б.Т.Тўйчиев –**  
ф.ф.д., профессор  
**Ж.С.Раматов –**  
ф.ф.д., профессор  
**Г.Т.Махмудова -**  
ф.ф.д., профессор  
**В.Р. Топилдиев -**  
ю.ф.д., профессор  
**Қ.Н.Назаров –**  
ф.ф.д., профессор  
**Р.Ж. Рўзиев -**  
ю.ф.д., профессор  
**А.Ў.Ўтамуродов -**  
ф.ф.н., профессор  
**Ў.Ғ.Тилавов -**  
ф.ф.д., DSc

**Бош мухаррир:**  
**А.Г.Муминов –**  
с.ф.д., профессор

Муассис: Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
Университети

Тахририят манзили: 100095 Тошкент шаҳар,  
Университет кўч., 4.

<https://nuu.uz/falsafa-va-huquq-jurnal/>  
E-mail: [falsafavahuquq-jurnal@nuu.uz](mailto:falsafavahuquq-jurnal@nuu.uz)

**ISSN 2181-7294**

**Босилига 20.07.2022 да берилди**  
Бичими 60x84 Offset қозоги. ЎзМУ босмахонасида  
ризографда босилди. “Times” гарнитураси. Хажми 23,75  
б.т. Наприёт ҳисоб табоги 30 б.т. Адади 50 нусха.  
Буюртма № 177

Журнални нашрга тайёрловчилар  
**Қ.Назаров, А.Муминов, Х.Сокиев**

|                            |  |     |
|----------------------------|--|-----|
| <b>Каланова С. М.</b>      | <i>Жамиятда авлодлар алмашинувининг социологик мөҳияти</i>   | 106 |
| <b>Сеитов А.П.,</b>        | <i>Развитие ИКТ в Узбекистане как вектор развития теоретической мысли</i>                          | 110 |
| <b>Саидхатматаева М.К.</b> |  |     |
| <b>Мамарасулов У. У.</b>   | <i>Sport qoidalarining estetika me'yorlari asosidagi tavsifi</i>                                   | 114 |
| <b>Султонова Н.Э.</b>      | <i>Ижтимоий ҳаётда фарзанд учун ота-она иброти, меҳр-муҳаббати ва жасамиятда тутгани ўрни</i>      | 116 |
| <b>Абдиев Ф.Э.</b>         | <i>Ёшлар сиёсий онгини ривожлантиришида миллий қадрияларнинг ўрни</i>                              | 123 |
| <b>Уринбоеv Д.Т.</b>       | <i>Ёшларда ҳуқуқий менталитетни шакллантиришининг фалсафий масалалари</i>                          | 127 |
| <b>Тоғаев Ш.Х.</b>         | <i>Миллий гоя ва мағқуранинг фалсафий-онтологик мазмуни</i>  | 130 |
| <b>Қалқонов Э.Т.</b>       | <i>Янгиланаётган Ўзбекистонда гендер тенгликни ривожлантиришининг ижтимоий фалсафий масалалари</i> | 134 |
| <b>Бобоқулов Ш.О.</b>      | <i>Ер-ҳуқуқий жавобгарликнинг мустақил тури сифатида</i>   | 138 |
| <b>Ғаффарова Ғ.</b>        | <i>Фанлараро ёндашув ўйналишилари: фалсафий таҳлил</i>   | 141 |
| <b>Иззетова Э.М.</b>       | <i>Интеграция научных дисциплин в контексте трансдисциплинарной методологии</i>                    | 145 |
| <b>Ботирова Ҳ.Э.</b>       | <i>Мустақиллик даврида аграр соҳа мутахассислари учун моддий-маънавий шароитларни яратиш</i>       | 151 |
| <b>Юсувалиева Р.Ю.</b>     | <i>Умумхуқуқий тамоилилар – ҳуқуқий сиёсатининг асосий ўйналишилари сифатида</i>                   | 155 |
| <b>Равшанов А.С.</b>       | <i>Қишлоқ ва сув хўжалиги учун етук кадрлар тайёрлаши сиёсатининг концептуал асослари</i>          | 160 |
| <b>Қандов Б.М.</b>         | <i>Ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишида ҳуқуқий таълимнинг ўрни</i>                    | 164 |
| <b>Қўйлиев Т.,</b>         | <i>Минтақа хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош мезонидир</i>                  | 168 |
| <b>Рахмонбердиева Н.</b>   |  |     |
| <b>Ташметов Т.Х.</b>       | <i>Миллий гояни ёшлар онгига сингидиришининг илмий-фалсафий жиҳатлари</i>                          | 172 |
| <b>Исламилов А.З.</b>      | <i>Фуқаролик жасамиятида ҳуқуқий онгнинг фалсафий онтологик асослари</i>                           | 176 |
| <b>Адамбаев У.Х.</b>       | <i>Аргументлаши ва ишонч-эътиқоднинг шаклланиши</i>  | 180 |
| <b>Махмудов М.,</b>        | <i>Маънавиятнинг ижтимоий омилларини оптималлаштириши – давр талаби</i>                            | 184 |
| <b>Бердиев А.</b>          |  |     |
| <b>Ражабов Ж.</b>          | <i>Жамият модернизациялашуви шароитида сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг ўрни</i>                  | 187 |
| <b>Халилов Ж.,</b>         | <i>Соғлом авлод камолоти – ислоҳотлар мақсади</i>  | 190 |
| <b>Ахмедов А.</b>          |  |     |
| <b>Маматқулов Э.</b>       | <i>Янги Ўзбекистонда фуқаролик жасамияти институтлари ролини ошириши</i>                           | 193 |

## АРГУМЕНТЛАШ ВА ИШОНЧ-ЭЪТИҚОДНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Адамбаев У.Х. –  
ТВЧДПИ ўқитувчиси

Инсонлар ўртасидаги мулокот асосан тил воситасида амалга ошади. Маънавият ҳам аввало тилдан бошланади. Тил тафаккур билан бевосита боғланган, тафаккур маданияти эса инсоннинг мулокот жараёнида ўз фикрини қандай баён этишида, бошқаларнинг фикрига нисбатан муносабатида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг “Янги Ўзбекистон – тараққиёт стратегияси” асарида таъкилаганидек, “Ҳаммамиз яхши тушунамиз, агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва рухи - маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда ана шу иккита мустахкам устунга, яъни, бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиётга ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз”[1]. Шу боис инсонлараро мулокотни маънавий жараёнга дахлдор ҳодиса дейиш мумкин. Чунки, мулокот инсон ақли, билими, ҳамда маънавий оламининг маҳсули. Мулокотни самарали амалга оширишда ишонч-эътиқод тушунчаларини шакллантиришни ўрганиш бугунги кунда таълим тизимидағи асосий вазифалардан биридир.

Ишонч-эътиқодни шакллантириш жараёни жамиятдаги муносабатларни оптималлаштиради, шахслараро низоларни бартараф қилишга имконият яратади. Шунингдек, талаба-ёшлар ўртасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини оширишга, ёшларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қиласи. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-49-47-сон фармонига кўра Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегиясининг IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларининг 4.5 бандида “...жисмонан соглом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содик, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”[2] вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифа доирасида Президент Шавкат Мирзиёев таъкилаганидек, “Ҳозирги гоят мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни турли заарли таъсирлардан асраш янада муҳим аҳамият касб этмоқда”[1]. Бу вазифаларни самарали амалга оширишда ишонч-эътиқодни шакллантириш усулларини ўрганиш бугунги кунда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан долзарблиги шубҳасизdir.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб ишонч-эътиқодни шакллатиришда аргументлашнинг ноуниверсал методларини тадқиқ қилиш янги босқичга кўтарилиди. Аргументлаш назариясига турлича ёндашувларнинг шаклланниши бу жараёнга катта таъсир кўрсатди. А.Бергсон, П.Фейерабенд, Ю.Хабермас, Б.Рассель, Д.Мур каби Фарб олимларининг илмий тадқиқотларида авторитет, соглом ақл, урф одатларнинг ишонч-эътиқодни шакллатиришга таъсири тадқиқ қилинди.[3] Россиялик олимлардан А.Ивин, Е.Лисанюк, А.Е. Решетова ва бошқаларнинг илмий ишларида биз тадқиқ қилаётган муаммонинг баъзи жиҳатлари ўрганилганлигини қайд этиш мумкин. Шунингдек, республикамиз олимларидан Т.Туйчиеванинг “Урф-одат ва анъаналарнинг ўзбек халки маънавий қадриятлар тизимидағи ўрни”, М.Умарованинг “Миллий муносабатларнинг ривожланишида урф-одат ва анъаналарнинг ўрни” мавзусидани номзодлик диссертасияларида тадқиқ қилинган масалалар бўйича қимматли фикр билдирилган. Лекин уларда бу масала ишонч-эътиқод билан боғланмаган. Ҳудди шу холат Э.Фозиев, Б.Хусанов, Л.Мухамаджоноваларнинг монография ва ўкув қўлланмаларига ҳам хос[4]. Республикамиз файласуф олимларидан Д.Файзихўжаеванинг илмий тадқиқотларида бу масалага оид қимматли фикрлар билдирилган [5].

Ҳозирги глабаллашув даврида ахборот алмашинувининг бекиёс даражада тезлашуви автаритет - нуфузли манбаларнинг янгича маъно касб этиб, турли кўринишларда намоён бўлишига сабаб бўлмоқда. Жамиятимиз ёшлари факат ўкув даргоҳларидағина эмас, ОАВ, Интернет орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқдалар. Улар билим олиш учун фойдали, зарур маълумотларни қабул қилиш билан бир қаторда маънавий қадриятларимизга қарши йўналтирилган ахборотларга ҳам дуч келмоқдалар. Бу эса уларнинг ўзига, келажагига ва оиласига бўлган муносабатларга катта тасир ўтказмоқда. Шу сабабдан инсонда ишонч-эътиқодни шакллантиришда аргументлаш муҳим масаладир.

Аргументлаш, билганимиздек – илгари сурилган холатга қарши томоннинг (tinglovchilarни) қўллаб-кувватлашини кучайтириш ёки шунга эришиш ниятида далилларни ёки аргументларни келтиришдир. Шунингдек, аргументлаш далиллаш тўплами ҳам деб аталади. Аргументлашдан кўзланган максад – илгари сурилган холатни тингловчилар томонидан қабул қилинишидир. Аргументлашда нафакат асослаш усулларини ўз ичига олган тўгри усуллар, балки асослашга хеч қандай алоқаси бўлмаган нотўгри усуллар ҳам қўлланилади.

Бундан ташқари, аргументлашда, ҳар қандай алоқа тури сингари, нафакат химояланган ёки рад этилган тезисни, балки аргументнинг контекстини ва биринчи навбатда унинг тингловчиларини ҳисобга олиш керак. Асослаш усуллари (исботлаш, тасдиқланган натижаларга ҳавола қилиш ва бошқалар) одатда, баҳс мазмунига, хусусан, аудиторияга бефарқ бўлади. Аргументлаш усуллари асослаш усулларига караганда деярли ҳар доим бой ва ўткирроқ бўлиши мумкин. Аммо асослаш усулларидан ташқарига чиқадиган барча аргументлаш усуллари, шубҳасиз, асослаш усулларига караганда унчалик унверсал ва аксарият аудиторияларда унчалик ишонарли эмас.

Асоснинг хусусиятига қараб, аргументлаш усуларини умумий асосли (универсал) ва контекстуал турларга бўлиш мумкин. Умумий асослаш ҳар қандай аудиторияда амал қиласди, контекстуал аргументлаш эса факат муайян аудитория билан чекланган. Аргументлашнинг умумий асослаш усулларига бевосита ва билвосита тасдиқлаш киради; тезис умумий қоида сифатида қабул қилинади; тезисни бошқа қабул қилинган қонун ва принципларга мослиги дедуктив, индуктив ва бошқа усуллар билан текширилади. Аргументлашнинг контекстуал усулларига сезги, эътиқод, нуфуз, анъана ва бошқалар киради. Шубҳасиз, аргументлашнинг контекстуал усуллари ҳар доим ҳам асосланиш усуллари билан бир хил эмас: масалан, тор доирадаги одамлар ёки бу доиранинг нуфузли шахслари томонидан тақдим этилган эътиқодларга мурожаат қилиш аргументациянинг умумий усулларидан биридир, лекин бу албатта асослаш усулларига татбиқ этилмайди.

Контекстуал аргументлаш усулларидан энг кенг тарқалгани ва энг аҳамиятлиси бу анъанавий далиллаш усулидир. Аслида, барча бошқа контекстли аргументлар анъанага нисбатан қисқартирилган ҳаволани ўз ичига олади; Тақдим этилган аргументларни тингловчилар томонидан идрок этилиши, асосан, улар амал қиласиган анъаналар билан белгиланади.

Буюк файласуф Сукрот айтганидек: “Мен шуни биламанки, ҳеч нарса билмайман, бошқалар эса шу нарсани ҳам билмайди”.[6] Бинобарин, одам қанчалик кам билса, шунчалик кўп баҳслашади. Интеллекти юқори бўлган шахс эса ўзининг билим даражаси билан кифояланмайди. Немис олим Лейбниц: “Дунёда юз бераётган жамики нарсалар – ҳодисалар ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди. Унинг асл моҳиятини билиш учун воқеа юз беришига туртки бўлган асосни ўрганиш керак”[7], деб ҳисблайди.

Бу фикрлар замирида кўпчилик англаб етмайдиган аргументлаш механизми ётади. Аргумент (лотинча “аргументум” сўзидан олинган бўлиб, “асос”, “исбот” маъносини англатади) муайян фикр, воқеа-ҳодисани ифода этиб, мулоҳаза, қарорнинг тўгри-нотўгрилигини исботлашга хизмат қиласди.

Фикр-мулоҳазаларни аргументлаш мураккаб мантиқий жараён бўлиб, унда икки ёки ундан ортиқ ўзаро бoggан мухоммадлар тизимидан фойдаланилади. Кенг маънода бирор мулоҳазани аргументлаш деганда, шу мулоҳазанинг чинлигини тасдиқловчи ишончли ва етарли асосларнинг мавжудлигини аниқлаш тушунилади.

Аргументлаш хажми кенг тушунча бўлиб, исботлаш унинг бир кўриниши ҳисбланади. Аргументлашнинг структураси тезис, асос-аргумент ва демонстрация (исботлаш усули)дан ташкил топади.

Аргументлашда силлогизмнинг холосаси тезис (чинлиги исбот этилиши зарур бўлган ҳукм ёки мулоҳаза), холоса асослари эса аргумент (тезисни исбот этиш учун фойдаланиладиган чин ҳукм, мулоҳазалар) деб олинади. Демонстрация деб, исбот этиш жараёни ва шаклига айтилади.

Демонстратив аргументлаш, яъни мантиқий исботлаш янги билимларнинг шаклланишида мухим роль ўйнайди. Аристотелнинг фикрича, инсон «исботлаш воситасида янги билимга эга бўлади»[8]. У исботлаш воситасида ҳосил қилинган билимларга юқори баҳо беради. Унингча, бу билимларнинг чинлиги, илмийлиги исботлаш усулига, асос – аргументларнинг чинлигига боялиқдир.

Баъзи мантиқшунос олимларнинг фикрича, демонстратив, яъни дедуктив аргументлаш интерсубъектив текшириш мумкин бўлган чин, объектив мулоҳазалардан ташкил топади. Ҳар бир инсон бу мулоҳазаларни дедуктив мантиқ қонунлари асосида текшириб, холосанинг ишончлилигига амин бўлиши, холоса асослардан зарурий келиб чиққанлиги учун ҳамма томонидан чин деб қабул қилиниши ва ундан мустакил аргумент сифатида фойдаланилиши мумкин.[9]

Демонстратив аргументлашда умумий чин, ўзгармас муроҳазаларга асосланилади. Лекин глобаллашув ва ахборот-технологиялари жадал ривожланган ҳозирги даврда мавжуд ахборотни ўзгартириш ва унинг чинлик кийматини сақлаб қолиш билан чекланмасдан, фикрлашнинг бошқа шакллари ёрдамида янги маълумотларни қидириб топишга талаф ортмоқда. Дедуктив бўлмаган эвристик аргументлаш ҳақиқатни аниқлашга, топишга йўналтирилганлиги билан бугунги кун талабига қўпроқ мос келмоқда. Эвристик аргументлашга асос муроҳазаларнинг ҳақиқатга яқинлиги ва холосанинг эҳтимолий, таҳминий характерда эканлиги хосдир.

Эвристик аргументлашда индукция ва аналогия методларидан фойдаланилади. Индуктив методда маълум бир тўпламни ташкил этувчи элементларнинг бир қисмини ўрганиш натижасида шу тўплам элементларининг ўрганилмаган қисмлари ҳақида ҳам холоса қилинади. Аналогияда эса икки объектнинг ўхшаш белгиларига асосланиб, бирида бўлган белгининг бошқасига ҳам хослиги ҳақида холоса қилинади. Масалан, ҳасаднинг иллат эканлигини аргументлашда уни оловга ўхшатамиз ва “олов ўтинни еб битирганидек, ҳасад инсоний фазилатларни йўқ қиласди” деймиз.

Аргументлашнинг мантикий тузилиши исботлашнинг тузилиши билан ўхшаш. Унинг таркиби: тезис (далилланиши талаб қилинган муроҳаза, муроҳазалар тизими), тезисни асослаш учун келтирилган аргументлар ва тезис ва аргументларнинг боғланиш усули – фикр юритиш шаклидан иборат. Аргументлашда тезис ва асосларнинг ўзаро боғланиши исботлашнидан баъзи жихатларига кўра фарқ қиласди. Аргументлаш камида икки субъект (сўзловчи ва тингловчи, нотиқ ва аудитория, пропонент ва оппонент, адресат ва адресант) нинг ўзаро муроҳотини - диалогни тақазо этади. Аргументлаш монолог – кишининг ўз-ўзи билан сухбатлашишида ҳам намоён бўлади. Лекин бу жараён кўпингча ички нутқ орқали амалга ошгани боис, уни ташқаридан ўрганиш маълум қийинчиликларни туғдиради. Мантиқда асосан диалог кўринишидаги аргументлаш ўрганилади.

Аргументлашдан мақсад ишонч-эътиқодни ўзгартиришдир. Бу мақсадни амалга ошириш учун турли хил аргументлардан фойдаланилади. Аргументлар сифатида фактларни қайд қилувчи муроҳазалар, таърифлар, аксиомалар, теоремалар, қонунлар ҳамда бошқа эмпирик ва назарий умумлашмалар хизмат қиласди. Аргумент сифатида келтирилган фактлар, албатта, ўзаро боғланган ва тезиснинг моҳиятига алоқадор бўлиши лозим.

Холоса қилиб айтадиган бўлсак баъзи ёшлар билим олишда, ҳаётга бўлган муносабатларини белгилашда ота-она, устоз-мураббийларни эмас, балки ОАВ, Интернетни авторитет сифатида эътироф этиб, улардаги ахборотларни ҳақиқат деб қабул қилмоқдалар. Улар ахборотларнинг манбаларига, чинлик даражасига деярли эътибор бермайдилар, муҳими қизиқарли ва эҳтиёжларига мос бўлса бас. ОАВ, Интернетдаги айрим маълумотлар эндиғина маънавий олами шакланаётган, шахсий тажрибаси ҳақиқатни ёлғон, уйдирмадан фарқлашга етарли бўлмаган ёшларда ҳаётий тушунчаларнинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун фикр-муроҳазаларни асослашда аргументларнинг ишончли, чин эканлигига эътибор бериш ақллилик, фаросатлиликнинг белгиси ҳисобланади [10].

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон – тараққиёт стратегияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2022.
2. «Халқ сўзи», 2017 й., 28 (6722)-сон; ЎРҚТ, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
3. Маковельский А.О. История логики. М.: Наука. 1967, С.22.
4. Бергсон А. Здравый смысл и классическое образование // Вопросы философии. 1990. № 1., Рассел Б. Вероятные выводы обыденного здравого смысла // Человеческое познание: его сфера и границы. К. : Ника-Центр, 2001., Мур Д.Е. Защита здравого смысла // Аналитическая философия: становление и развитие (антология). М. : Дом интеллектуальной книги, Прогресс-Традиция, 1998.
5. Фозиев Э. Муомала психологияси. –Т.: “Университет”. 2001., Ҳусанов Б., Ғуломов В. Муомала маданияти / Дарслик. – Т.: Иқтисод молия, 2009., Муҳаммаджонова Л. Нотиқлик санъати – Т.: “Университет” 2007.
6. Файзиходжаева Д.И. Абу Наср ал Фаробий ва Абу Али Ибн Сино мантикий исботлаш ҳақида. – Т.: Нишон Ношир, 2013. 144б.
7. Файзиходжаева Д.И. Фактор доверия в аргументации. ЎзМУ Хабарлари. 2014, №1, 177-81.
8. Аристотель. Вторая аналитика. // Соч. Т.2. –М.:Мысль, 1978. –С.259.

9. Котельникова Л.А. Рузавин Г.И. Системный подход к процессу убеждения и аргументации.//Теория и практика аргументации. М.,2001. С.8-9.
10. Adambayev U.X. FAITH – The conception of belief and steps to develop it // Electronic journal of actual problems of modern science, education and training. 2021 august 8/2., p-100. ISSN 2181-9750.

**РЕЗЮМЕ:**

Мақолада ишонч-эътиқодни шакллантиришда аргументлашнинг муҳимлиги, аргументлаш ва асослашнинг фарқи ва усуллари, буюк файласуф олимларнинг ишонч-эътиқодни шакллантиришда аргументлашниг ўрни ҳақидаги фикр мулоҳазалари, демонстратив ва эвристик аргументлаш методлари, аргументлаш турлари тўғрисида маълумот берилган. Аргументлашдан асосий мақсад ишонч-эътиқодни ўзгартиришдир. Бу эса ёшлар онгига тўғри маълумотни ва ёт ғояларга қарши мустаҳкам ишонч-эътиқодни шакллантириш вазифасини бажаради.

**Калит сўзлар:** ишонч, эътиқод, аргумент, аргументлаш, авторитет, универсал асослаш, контекстуал асослаш, дедукция, индукция, аналогия.

**РЕЗЮМЕ:**

В статье представлена информация о важности аргументации в формировании убеждений, различиях и методах аргументации и обоснования, взглядах великих философов на роль аргументации в формировании убеждений, демонстративных и эвристических методах аргументации, типах аргументов. Основная цель аргументации - изменить убеждения. Это способствует формированию в сознании молодых людей достоверной информации и стойкости против чужеродных идей.

**Ключевые слова:** вера, убеждение, аргумент, аргументация, авторитет, универсальное обоснование, контекстное рассуждение, дедукция, индукция, аналогия.

**RESUME:**

The article provides information on the importance of argumentation in the formation of beliefs, differences and methods of argumentation and justification, the views of great philosophers on the role of argumentation in the formation of beliefs, demonstrative and heuristic methods of argumentation, types of arguments. The main purpose of argumentation is to change beliefs. This contributes to the formation in the minds of young people of the correct information and resistance against foreign ideas.

**Keywords:** belief, argument, argumentation, authority, universal justification, contextual justification, deduction, induction, analogy.